

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ш.Каримов, З.Комилова	
Сингуляр коэффициентли тўртинчи тартибли битта тенглама учун Гурса масаласи.....	6
К.Каримов	
Яримчексиз параллелепипедда учта сингуляр коэффициентга эга бўлган эллиптик тенглама учун чегаравий масалалар	11

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда ток ташувчилар эффектив Гамильтониани назарияси хусусида.....	24

КИМЁ

М.Хожиматов, Ф.Абдугаппаров, И.Асқаров, Қ.Отахонов	
М-ферроценилбензой кислотаси билан амигдалин реакциясини ўрганиш	28

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Э.Исаков, Ш.Турдиев	
Болалар орасида бирламчи ногиронлик структурасининг таҳлили.....	33
Ф.Тухтасинов	
Фарғона водийси жанубидаги сабзаёт экинларининг агробиоценозлари орасида тарқалган бегона ўтлардаги бўртма ва бошқа тур паразит фитонематодаларнинг тарқалиши	37

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев	
Инсон фаолиятининг ижтимоийлашуви	42
Г.Ғаффарова, Б.Қодиров	
Ҳаракатлар стратегияси ва тизимли ёндашув	47
М.Каримова	
Инсоният онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар	52
А.Музаффаров	
Маданиятлараро мулоқот категорияси тадқиқига фалсафий-герменевтик ёндашув.....	56
А.Қамбаров, Д.Тошалиев	
Бузрук мақомидан Сарахбори бузрук шуъбасининг таҳлили масаласига доир	60

ТАРИХ

Т.Эгамбердиева	
1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ўзбек хотин-қизларининг маънавий жасорати.....	66
Ҳ.Холиқулова	
Ўзбекистон ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари: истиқболлари ва уларни ривожлантириш йўллари.....	71
О.Ахмадов	
Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да таълим ва тарбияни замонавийлаштириш учун кураш	75

УДК: 93/99+342.1+262.1

ИНСОНИЯТ ОНГИ ВА ҚАЛБИГА ҚАРАТИЛГАН ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАР

ГЛОБАЛЬНЫЕ УГРОЗЫ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА СОЗНАНИЕ И ДУШУ
ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

GLOBAL THREATS AIMED AT THE HUMAN MIND AND SOUL

М.Каримова

Аннотация

Мақолада инсоният тарихи ва бугунги кундаги глобал таҳдидлар, уларнинг хавфи, моҳияти ҳақидаги илмий нуқтаи назарлар келтирилган. Жумладан, бунёдкор ғоялар ва бузғунчи ғояларнинг мавжудлиги, уларнинг халқ манфаатларига таъсири ёритилган.

Аннотация

В статье представлены научные взгляды на историю человечества и глобальные вызовы современности, их опасность и сущность. В частности, наличие созидательных и деструктивных идей, их влияние на интересы народа.

Annotation

The article presents scientific views on the history of mankind and the global challenges of our time, their dangers and essence. In particular, the presence of creative ideas and destructive ideas in the public interest is emphasized.

Таянч сўз ва иборалар: халқ, ғоя, маънавий таҳдид, глобаллашуве, манфаатлар, мафкура, инсоният онги, глобал таҳдидлар.

Ключевые слова и выражения: народ, идея, угроза, духовности, глобализация, интересы, идеология, человеческое, сознание глобальные угрозы.

Keywords and expressions: nation, idea, spiritual threat, globalization, interests, ideology, sense of mankind, global threats.

Инсоният, давлатлар мавжуд экан, манфаатлар кураши барҳам топмаган. Глобал миқёсда олиб қараладиган бўлса, инсоният тарихининг кўп қисми ижтимоий-иқтисодий, сиёсий манфаатлар тўқнашуви, тўс-тўполонлар, турли келишмовчиликлар ва уларнинг остида ўтган. Албатта, айрим давлатлар ўз чегараларини мустаҳкамлаб, халқни муайян ғоялар остида бирлаштира олган. Халқини бир ғоя остида бирлаштириб, ўз миллий давлатчилигини қурган давлатларда узоқ йиллар давомида тинчлик, ҳамкорлик, бутун халқ иродасини бирлаштириб ривожланиш яққол кўзга ташланади. Масалан, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Хитой сингари давлатлар ўз мафкуралари доирасидаги ягона байроқ остида бугунги ривожланиш даражасига етиб келди.

Дунё мафкуралари тарихи мафкуранинг икки қутби – бунёдкор ва вайронкор мафкуралар мавжудлигини, улардан бунёдкор мафкуралар мамлакатни яхлит қилиб, халқни бирлаштириб, ривожланиш сари олиб борса, вайронкор ғояларга асосланган мафкуралар эса қайсидир гуруҳлар, тўдаларнинг манфаатига хизмат қилувчи,

уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишини кўрсатади. Аслида соғлом, бунёдкор мафкура яхлит инсониятнинг, маълум бир миллат, элатнинг манфаатларини кўзловчи ғояларнинг йиғиндиси бўлмоғи ва у бошқа бир миллат, элатнинг манфаатларига қарши қаратилмаган бўлиши керак. Шундагина у инсонга, эзгуликка, тараққиётга хизмат қилади.

Инсоният тарихи бузғунчи ғояларнинг ҳам миллий ғоя даражасигача кўтарилганига бир неча бор шохид бўлган. Масалан, бизга тарихан яқинроқ ва таниш бўлган фашизм мафкураси, миллатчилик, ирқчилик, шовинистик мафкуралар. Бу мафкуралар бошқа халқлар манфаатларига зарар етказмасдан, инсон, яхлит бир халқ манфаатларини кўзловчи ғоялар йиғиндиси эмас, балки зўравонлик йўли билан айнан бир миллат ёки сиёсий гуруҳнинг манфаатини кўзлаган ҳолда бошқа сиёсий гуруҳлар, миллатлар ва халқларга қарши қаратилган ғоялар мажмуасидир.

“Фашизмни тўхтатиб бўлармиди?” – деган саволни ўртага ташлар экан, профессор М.Қуронов бу саволга шундай

М.Каримова – Андижон машинасозлик институти, гуманитар фанлар кафедраси доценти.

жавоб беради: “Ҳа, инсоният, Европа жамоатчилиги лоқайд бўлмай, юксак яқдиллик ва дахлдорлик намунасини кўрсатганида. Маънавият қудратли кучга айланиб, ишга тушганида, бу ёвуз ғояни тўхтатса бўлар эди. Афсуски, бундай бўлмади. Бепарволик, лоқайдлик, “бунинг менга алоқаси йўқ”, деб яшаш маънавиятни ожиз ва заиф қилиб қўйди. Фашистларга эса ... худди ана шу керак эди” [1,118].

Дунёдаги манфаатлар қарама-қаршилиги орқасида қарама-қарши ғоялар ва мафкуралар вужудга келган ва бугунги кунда улар мафкуравий хуруж даражасигача етиб келди. Мафкуравий хуруж – бу, маълум бир мамлакат ёки ҳудудда инсонларнинг онги, қалби, шуурига таъсир кўрсатиш орқали сиёсий мақсадларга эришиш учун махсус ташкил қилинадиган ва амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлардир. XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошига келиб дунё минтақалари, давлатлари ўртасида ана шундай мафкуравий хуружлар авж олди. Бу кураш дунё миқёсида сиёсий-иқтисодий гуруҳлар, динлар, турли қатламларнинг манфаатлари учун курашнинг энг самарали воситаси бўлиб қолди.

XX асрнинг боши, ҳатто ярмида ҳам сиёсий кучлар, манфаатларнинг ўзаро қарама-қаршилиқ шароитида қўлига қурол олиб, бир-бирига ҳамла қилган бўлса, энди унга ҳожат қолмади. Мафкуравий кураш, бир-бирига қарши ахборот билан хуруж қилиш ва шу орқали сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг таъминланишига эришиш деярли янги замоннинг сиёсий кураш услубига айланди. Яъни, “Биз яшаётган ҳозирги даврга келиб, бунёдкорлик ғоясига бузғунчилик ва вайронкорлик, бағрикенгликка эса ўзгача фикр, эътиқод ҳамда турмуш тарзига тоқат қила олмаслик, жоҳиллик иллатлари тобора кўпроқ қарама-қарши бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги томонидан кескин қаралаётган халқаро террорчилик ва мафкуравий хуружлар, диний экстремизм ва жаҳолатпарварлик ҳам вайронкор ғояларга асослангандир” [2,4].

Бу, албатта, бундан 100-200 йиллар олдин башорат қилинган глобаллашувнинг маҳсули, десак хато бўлмайди. Инсоният тараққиёти нуқтаи назаридан глобаллашув аслида прогрессив ҳолат. Аммо инсоният тарихида глобаллашувдан ҳам айрим кучлар ўзларининг ёмон мақсадлари йўлида

фойдаланаётганликлари олимларимизни жиддий ижтимоий-фалсафий мушоҳадага даъват этади.

Шу ўринда бугунги куннинг мафкуравий манзараси хусусиятларини ақс эттирувчи айрим тушунча ва иборалар мазмунига эътибор қаратамиз.

Тадқиқотчи А. Ташанов тузган луғатда “Глобаллашув (lot Globus – “шар”, “Ер сайёраси”, инг. Globalization – “оммалашув”) – XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунча” [3,119] тарзида талқин қилинади.

Мафкуравий хуружларнинг аксарияти маънавий таҳдидларга муайянлашади, намоён бўлади. Бу ҳақда олимларимиз “маънавий таҳдид – муайян миллат, жамият ва давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган шахс ва жамият хавфсизлигига, маънавий-руҳий дунёсига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва шунга асосланган амалиёт мажмуини ифодалайдиган тушунча” [4,317], деган тўхтамга келишган.

М.Амин Яҳё маънавий таҳдидларни шахс эркига, руҳий дунёсига тажовузкор куч сифатида талқин қилиб, “маънавий таҳдид – тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзлаган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуруждир.

Мафкуравий таҳдид – ҳукмронлик, мустабидлик, тажовузкор, экстремистик, ақидапарастлик, вайронкорлик ғоялари ифода этилган ҳаракат”, деган таърифларни беради [5,352].

Шуни эътироф этиш зарурки, мафкуравий хуруж – бу, шахслар, сиёсий, этник, миллий, диний гуруҳлар, давлатлар, минтақаларнинг бир-бири устидан

устунликка эришиш, ўз манфаатларини таъминлаш учун амалга ошириладиган сиёсий хуружлардир. Демак, мафкуравий хуружлар манфаатлар учун курашнинг фаол қуроли бўлиб ҳисобланади.

Эрамиздан олдинги VI асрдаёқ, қадимги Хитой файласуфи ва ҳарбий арбоб Сунь Цзи мафкуравий курашни ташкил қилиш бўйича қуйидаги тавсияларни берган:

1. Душман мамлакатдаги барча яхши нарсаларни бузинг.

2. Душманингизнинг кўзга кўринган арбобларини жинойи корхоналарга, ишларга тортинг.

3. Душман раҳбариятининг обрўсини тўкин ва керак пайтда жамоатчилик олдида уни уятга қўйинг.

4. Бунинг учун ўша мамлакатдаги энг пасткаш, сотқин, жирканч одамлар билан ҳамкорлик қилинг.

5. Сизга душман мамлакатда фуқаролараро жанжал ва тўқнашувлар ўтини ёқинг.

6. Ёшларни кекса авлодга қарши қўйинг.

7. Барча воситаларни ишга солиб, душман давлат ҳукуматининг ишига халал беринг.

8. Душман мамлакат армиясининг талаб даражада таъминоти ва у ерда тартиб таъминланишига ҳар хил воситалар билан йўл қўйманг.

9. Қўшиқ ва мусиқа билан душман жангчилари иродасини сусайтиринг.

10. Душманингиз анъаналари ва қадриятларининг қадрсизланиши, ўз эътиқоди ва худосига ишончи зил кетиши учун имкони бўлган барча ишни қилинг.

11. Жамиятда бузилишни кучайтириш учун ўша мамлакатга енгил табиатли хотираларни юборинг.

12. Ахборотлар ва ҳамфикрларни сотиб олиш учун совғалар улашишда иқтисод қилманг, сахий, хотамтой бўлинг. Бу ишлар учун пул ва ваъдалар беришда сахий бўлинг, чунки бу ишлар ўзининг ажойиб самарасини беради.

Хитой файласуфи бу ғояларни VI асрда олдинга сурган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам дунёда бу ғоялар шакли, моҳиятини ўзгартиргани йўқ. Дунёдаги кучли ва кучсиз давлатлар манфаатлари тўқнаш келган пайтларда, айнан ана шу усуллар билан рақибни маҳв этиш чоралари кўрилмоқда. XX асрнинг охирларига келиб

дунёнинг мафкуравий манзараси бироз бўлса-да ўзгарган эди. 70 йилдан сал ортиқроқ давом этган икки қутбли дунё янги қиёфага киргандек бўлди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган собиқ социалистик лагер тарқалиб кетди. Унинг энг катта ва тоталитар тузум ҳукмрон бўлган асосий давлати – собиқ Иттифоқ ўтмишга айланди. Бу давлатнинг ўрнида мустақил мамлакатлар юзага келди. Мустабид мафкура ғояларидан халос бўлган халқлар ўз миллий давлатчилик анъаналарини тиклаб, ўзлари танлаган йўлларида боришмоқда.

Аммо XXI асрга келиб, дунёда геосиёсий курашлар яна авжига чиқди. Мафкуравий ўйинлар, хуружлар орқасида дунёнинг бир қатор минтақаларида қонли уруш ҳаракатлари давом этмоқда. Бугун ҳам барча мамлакатлар ҳаётида турли ғоя ва мафкуравий концепцияларнинг муайян қарама-қаршилигини кузатиш мумкин. Уларнинг баъзиларида дунёвий ёки диний ғоялар устунлиги сезилиб турса, кўпчилигида ўз манфаатини яширин йўллар, турли сиёсий ҳаракатлар орқали муҳофаза қилиш, ўзганинг манфаатига дахл қилиш тамойиллари кўзга яққол ташланади. Ана шундай шароитда дунёнинг мафкуравий манзарасида ўз ўрнига эга бўлган баъзи ғоя ва мафкураларни баҳолашда уларнинг мазмун-моҳиятига, бугунги кундаги амалиётига аҳамият бериш зарур.

Инсон қалби ва онги учун қарши қаратилган таҳдидлар глобаллашув, мафкуравий хуружлар, демократик қадриятларни бузиб талқин этиш ва гиёҳвандликни ёшлар ўртасида оммавийлаштириш кабилар ташкил этаётганлигини таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Миллий маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидлар барча қолган катта-кичик таҳдидларнинг асосий манбалари ҳисобланади. Гарчанд, улар кўринишидан миллий маънавиятдан “узоқдай” бўлса-да, амалда улар “ичидан” ва “ташқарисидан” маънавиятимизни емиришга қаратилганлиги билан катта хавф-хатар ҳисобланади.

Онги, дунёқараши ва қалби қашшоқлашган одамларнинг миллат вакиллари орасида бўлиши, унинг истиқболини барбод қилиши муқаррар эканлиги бугун ўз тасдиғини топмоқда. Шу маънода ҳам миллий маънавиятни асрашнинг муҳим омил, дунёқараш ва

қалбни ҳар қандай ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Таҳдидларнинг хавф-хатар даражасида кучайиб бориши авж олаётган глобаллашувнинг реал омили сифатида намоён бўлмоқда. Айтиш пайтда, бу жараёнда аҳолининг бир қадар эътиборсизлиги ҳам салбий роль ўйнамоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ташқи таҳдидларнинг кучайишида ҳали аҳолимизнинг сиёсий онги, маданияти ва маънавий-маърифий тараққиёти глобаллашув даражаларидан орқада қолмаслиги зарур. Шу билан бирга миллий маънавиятимизни тарғиб-ташвиқ қилишда катта имкониятларимизга қарамасдан, хорижий мамлакатлар тажрибаси зарур. Бунинг оқибатида ташқи таҳдидлардан салбий таъсирлар камайиб боради. Ўз навбатида, ташқи таҳдидларнинг ичкаридан юзага келаётган таҳдидлар билан уйғунлашиб кетиш олди олинади. Хусусан, айрим ҳолларда бозор муносабатларига ўтиш даврининг муаммолари таъсирида миллатимизнинг айрим вакилларида четдан ҳаммасини ёппасига қабул қилиш ва уларни халқимиз ўртасида оммалаштиришда қатнашаётганлигини кўриш мумкин. Бунинг натижасида миллий-маънавий хусусиятга зид бўлган янги “қадриятлар” пайдо бўлмоқда. Уларнинг ёшларимиз ҳаётига кириб бораётганлиги, айниқса, хатарли тус олмоқда. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айтиш пайтда унинг ривожланишига салбий

таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида очиқ сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда, худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим”.

XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб, фан-техника тараққиёти ва айниқса, глобаллашув жараёнининг кучайиши оқибатида ниҳоятда тез ўзгараётган даврда яшаётганимизни эътироф этишимиз керак. Бу жараён бизнинг Марказий Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Геосиёсий жараёнлар жаҳоннинг бошқа минтақаларига қараганда бу ерда жўшқинроқ ривожланмоқда, десак хато бўлмас керак. Табиий-тарихий ривожланиш жараёнлари ва муаммолари (*аҳоли сонининг ортиб бориши, ер, сув муаммолари ва бошқа*) ёнига ташқи кучлар ва уларнинг минтақамизга бўлган қизиқиши, олиб бораётган сиёсати ва бунинг натижасида пайдо бўлаётган янги таҳдидларни қўшадиган бўлсак, бу хатарларнинг бирортасини ҳам алоҳида олинган бир мамлакат доирасида ҳал этишга уриниш кутилган натижа бермаслиги аён бўлади. Минтақамиз тинчлиги, барқарор ривож, ундаги давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатлар асосидаги сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик ташқи кучларнинг геосиёсий манфаатларига мос келмаслиги эҳтимолини назардан қочирмаслик фойдадан ҳоли бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Қурононов М. Бизни бирлаштирган ғоя. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
2. Ташанов А. Вайронкор ғоялар ва бузғунчи мафқуралар. –Т.: Турон замин зиё, 2015.
3. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати/ ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Х. Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт. 2009.
4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009.
5. Амин М. Яхё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Ёрдамчи ўқув қўлланма. –Т.: Мовароуннаҳр, 2016.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).